

ФРАНЦУЗЧА ОНОМАТОПИК ФЕЪЛЛАР ИШТИРОКИДАГИ ИБОРАЛАРДА ИНСОН РУҲИЯТИ ТАСВИРИ

Нигорабону Низомиддиновна СУВОНОВА

Доцент, филология фанлари номзоди

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Лайло Бурибоевна ДОЛИЕВА

Ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти, Самарқанд, Ўзбекистон

ОПИСАНИЕ ДУХОВНОГО СОСТОЯНИЯ ЧЕЛОВЕКА В ВЫРАЖЕНИЯХ С ОНОМАТОПОИЧЕСКИМИ ГЛАГОЛАМИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА

Нигорабону Низомиддиновна СУВОНОВА

Доцент, кандидат филологических наук

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

Лайло Бурибоевна ДОЛИЕВА

Преподаватель

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Самарканд, Узбекистан

DESCRIPTION OF HUMAN SPIRITUALITY IN THE PHRASEOLOGICAL UNITS WITH FRENCH ONOMATOPOEIC VERBS

Nigorabonu Nizomiddinova SUVONOVA

Dotsent, candidate of philological

Samarkand state institute of foreign languages, Samarkand, Uzbekistan

suvonova@samdchti.uz

Laylo Buriboyevna DOLIYEVA

Teacher Samarkand state institute of foreign languages, Samarkand, Uzbekistan

doliyeva.laylo@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.133.1: 81.471

**For citation (иқтибос келтириш учун,
для цитирования):**

Сувонова Н.Н., Долиева Л.Б. Французча
ономатопик феъллар иштирокидаги
ибораларда инсон руҳияти тасвири //
Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. —
№ 2 (31). — Б. 65–79.

Аннотация. Мазкур мақолада француз тилидаги ономатопик
феъллар орқали ҳосил бўлган фразеологик бирликларнинг
инсон руҳиятига ҳос ички кечинмаларни ифодалаш усуллари
борасида фикр юритилган. Шунингдек, инсон
ҳис-туйғуларини ифодаловчи руҳий вазиятлар тасвирини акс
этирувчи бундай ибораларнинг семантик майдони, уларнинг
пайдо бўлиш характери, давомийлик даражаси, нутқда

<https://doi.org/10.36078/1588317112>

Received: February 15, 2019

Accepted: April 13, 2020

Published: April 15, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

қўлланиш ҳоллари ҳамда ўзига хос маъно оттенкалари француз тилидаги турли хил ономотопик феъллар мисолида таҳлил қилинди. Хусусан, уларнинг таркибий элементлари ўртасидаги турлича семантик муносабатлар инсонларга хос ҳар қандай ички кечинмалар асосида пайдо бўладиган ғазаб, жаҳл, қўрқув, қувонч, завқ каби руҳий жараёнларни акс эттириши кўрсатиб ўтилди. Бунинг асосида турли хил ҳайвон ва қушларнинг товушларига тақлид қилиш асосида ясалган ономотопик феъллар фразеологик бирликлар яшаш жараёнида сермахсул манбалардан бири эканлигига ҳамда ушбу ҳолат француз фразеологиясида кенг тарқалган образли ўхшатиш орқали амалга ошиши ва унда асосий ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ушбу мақолада инсон ички кечинмаларининг ўзига хос ифода шаклларини фарқловчи лисоний белгиларни кидириш ва уларни тизимлаштириш француз фразеологиясида ўзига хос аҳамият касб этиши кўрсатиб ўтилди.

Калит сўзлар: руҳият тасвири; ономотопик феъллар; фразеологик иборалар; салбий ҳис-туйғулар; марказий элемент; марказий маъно; семантик майдон; ўхшатиш эталони.

Аннотация. В данной статье рассматриваются способы, которыми фразеологические выражения и ономотопические глаголы, образованные фразеологическими единицами, выражают внутренние эмоции человеческой психики. На примере ономотопических глаголов французского языка проанализировано семантическое поле таких выражений, которые отражают образ психических состояний, выражающих человеческие эмоции, характер их возникновения, степень продолжительности, случаи их использования в речи и своеобразные значения оттенков. В частности, было показано, что различные семантические отношения между их составляющими элементами отражают психические процессы, такие как гнев, ярость, страх, радость, удовольствие, которые возникают на основе внутренних переживаний, присущих людям. Исходя из этого, особый акцент делается на то, что звукоподражательные глаголы, основанные на имитации звуков различных животных и птиц, являются одним из наиболее продуктивных и распространенных источников в процессе создания фразеологизмов во французском языке на основе образных сравнений, которые подчеркивают важность базового эталона сравнения. Вместе с этим в данной статье показано, что поиск и систематизация языковых значений, различающих конкретные формы выражения внутреннего состояния человека, имеют особое значение во французской фразеологии.

Ключевые слова: духовный образ; ономотопические глаголы; фразеологические выражения; отрицательные эмоции; центральный элемент; центральное значение; семантическое поле; эталон сравнения.

Abstract. In this article some opinions are given on phraseological units formed by French onomatopoeic verbs and about the ways of their expressing human internal emotional experience. Also semantic ground, background character, continuity, the usage conditions and meaning signification changes of human emotions expressions are analyzed in the example of French onomatopoeic verbs.

Particularly, it is stated out their various semantic relations among structural elements emerging on the base of all kind of human emotional experience, reflecting psychological processes like rage, anger, fear, joy and pleasure. It is also paid attention that onomatopoeic verbs produced by the imitation on the sounds of different animals and birds can be one of the productive sources on formation of these kinds of phraseological units. This kind of formation carried out by figurative assimilation which is wide-spread on French phraseology and basic imitative etalon plays important role as a main analogy on French phraseology. In this article it is also paid attention searching particular formation variants and differentiate linguistic signs of human emotional experience in French phraseology and their specific importance systemization is also included.

Keywords: spirituality description; onomatopoeic verbs; phraseological units; negative emotions; nuclear element; principal meaning; semantic ground; comparative analogy.

Кириш. Табиат ва жамиятда содир бўлаётган турли хил ўзгаришлар, ҳаётнинг ранг-баранг тасвири ва ундаги инсонларга хос хилма хил муносабатлар киши характери ва руҳиятига таъсир этмай қолмайди. Ана шундай турли ташки таъсирлар оқибатида киши руҳиятида ҳар хил ҳолатлар вужудга келади. Инсон руҳияти жуда серқирра бўлиб у шодлик, ғазаб, хафалик, лоқайдлик каби турли қарама-қарши ҳолатларни ўзида акс эттиради. Рус тилшуноси В. П. Белянин таъкидлаганидек, ана шундай инсоний ҳис-туйғуларни ифодалашнинг энг самарали усулларида бири эса тилдир (1, 8). Мазкур фикрга асосланган ҳолда, ушбу мақолада инсоний ҳис-туйғуларни ифодаладиган тил бирликларида бири — фразеологик иборалар ва уларнинг инсонларга хос салбий руҳиятини тасвирлаш усулларида айримлари борасида фикр юритилади.

Асосий қисм. Инсон руҳиятидаги ҳар қандай ўзгариш, хусусан, хафа бўлиш, қувониш, қўрқувга тушиш кабилар даставвал, инсонларнинг ички кечинмаларида, яъни ботиний тарзда ҳис қилинади ва шундан сўнг улар зоҳирий тарзда инсон ташки киёфасида акс этади. Масалан, қўрқувдан тиззалари қалтираши, ранги оқариб кетиши, уялгандан қизариб кетиши, руҳан тушқунликка тушиб қолиши кабилар шулар жумласидандир. Шундай экан, тилда ҳам уларни ифодаловчи воситалар бир қанча бўлиб, бундай тил бирликлари ўртасида оппозицион муносабатлар мавжуд ва уларни доимо бир-биридан ўзаро фарқлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Худди шу каби инсоний

ҳис-туйғуларни ифодаловчи тил бирликлари гуруҳи ҳам ижобий ва салбий ҳис-туйғуларни ифодаловчи лексик-семантик турларга бўлинади. Уларни бирлаштирувчи умумий семантик хусусиятлар мавжуд бўлганлиги сабабли ҳам, ушбу хусусиятларни *руҳият тасвири* каби ягона сўз билан аташ эҳтимоли пайдо бўлади. Агар ажратилган лексик-семантик гуруҳлар бошқа бирор бир катта ҳажмдаги гуруҳ таркибига кирса, улар икки ва ундан ортиқ умумий маъно хусусиятига эга бўлиши табиийдир.

Бинобарин, салбий эмоция лексик-семантик гуруҳи таркибидаги сўзлар учун эмоционаллик ва салбийлик каби семантик хусусиятлар умумлашуви бир хилда мосдир (2, 150). Руҳий ҳолатни ифодаловчи лексик бирликлар тилда кўпчиликни ташкил этгани каби фразеологик бирликлар орасида ҳам бундай бирликлар сон-саноксиздир. Бироқ улар ўзига хос хусусиятлари билан бошқа лексик бирликлардан ажралиб туради.

Маълумки, фразеологик бирликлар дейилганда, тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган, нутққа шундайлигича олиб кириладиган, шаклан сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлган, мазмуни эса кўчма маънога асосланган тил бирликлари тушунилади. Икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган фразеологик бирликлар маълум бир тушунчани ифодалаши ва бир сўзга эквивалент бўлиши мумкин. Одатда фразеологик бирликлар бир сўзли синонимик эквивалентга эга бўлади, ҳамда синтактик жиҳатдан гапнинг бир бўлагини ҳосил қилади.

Тилда фразеологик бирликлар ўзларининг тузилишига кўра ниҳоятда ранг-баранг оламни ўзида намоён эта олади. Айниқса, уларнинг таркибий элементлари ўртасидаги семантик боғланишлар турлича муносабатларни ифодалаши орқали ажралиб туради. Бундай бирликлар таркибига кирувчи сўзлар ўзларининг маъно мустақиллигини маълум даражада, яъни кучли ёки кучсиз даражада сақлаб қолади.

Фразеологик бирликлар нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши уларнинг тил ҳодисаси сифатида таърифлашни тақозо этади. Хусусан, фразеологик бирликлар кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тил бирлиги сифатида талқин қилинганда уларнинг айнан ана шу жиҳати эътиборга олинган. Бу борада Ф. де Соссюрнинг тилда тил системаси элементларига ўхшаш сўз бирикмалари ҳам мавжудлигига ишора қилганини қайд этиш ўринлидир (3, 430). Кейинчалик, унинг фикрини ривожлантирган ҳолда Ш.Балли фразеологик бирликларни бир неча сўздан тузилган ва ундаги ҳар-бир элемент ўз маъносини маълум даражада йўқотган, ҳамда умумий бир маънони англатадиган мураккаб тил бирлиги эканлигини таъкидлайди (4, 65–66).

Машҳур рус тилшунослари академик Ф.Ф. Фортунатов, А. А. Шахматов, академик В. В. Виноградов, профессор Б.А. Ларин ва бошқалар турғун бирикмаларнинг синтактик таҳлиliga йўл очиб бериш билан бир қаторда, уларнинг семантик хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Кўплаб рус олимлари эса муаммонинг айнан назарий аспектларига катта қизиқиш билдиришган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб рус олимларидан А.Г. Назарян, В. Г. Гак ва Б. С. Ходослар, ҳозирги замонга келиб эса ўзбек тилшуносларидан А. Маматов ва Ж.

Ёкубовлар француз фразеологияси бўйича илмий изланишлар олиб борган. Сўнгги пайтларда тилшунослар ўртасида фразеологик бирликларни лингвوماданий, прагмалингвистик ва когнитив нуқтаи назардан тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буюк француз файласуф ёзувчиси В. Гюго француз тили борасида шундай дейди: *Француз тили ҳаракатсиз тўхтаб қолган тил эмас ва ҳеч қачон бундай бўлмайди. Ҳеч бир тил қотиб қолмайди, тиллар худди денгиздек чайқалиб туради* (14, 13). Ваҳоланки, тиллар доимий ҳаракатда экан, демак, унда янгидан-янги фразеологик бирликлар ҳам тўхтовсиз пайдо бўлаверади. Хусусан, уларни турли жиҳатдан ўрганиш масалалари доимо тилшуносларнинг тадқиқот объекти сифатида хизмат қилиб келган. Шундай экан, инсон руҳиятини икки ифодаловчи французча фразеологик бирликлар хос айрим хусусиятлар, хусусан, ҳайвон ва қушларнинг товушларини ифодаловчи феъллар, яъни ономотопик феъллар асосида ясалган французча фразеологик бирликларни ҳам ўрганиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари борасида мулоҳаза юритиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Француз тилида турли хил ҳайвон ва қушларнинг товушларига тақлид қилиш асосида ясалган феъллар жуда хилма-хил бўлиб, улар фразеологик бирликлар яшаш жараёнида сермахсул манбалардан бири ҳисобланади (15, 717). Масалан, француз тили нуқтаи назаридан олиб қаралганда мушук, қурбақа, қарға, бўри ва от каби ҳайвонларнинг ўзига хос товушларини ифодаловчи феъллар шулар жумласидандир:

- **miauler** (*le chat miaule* — мушук миёвляяпти);
- **coasser** (*la grenouille coasse* — қурбақа ваққилляяпти);
- **croasser** (*le corbeau croasse* — қарға қағилляяпти);
- **hurler** (*le loup hurle* — бўри уввилляяпти);
- **hennir** (*le cheval hennit* — от кишняяпти) ва ҳоказо.

Француз фразеологиясида бу каби ҳайвон ва қушларнинг овозига тақлид қилиш асосида ясалган ономотопик феъллар иштирокида кўплаб қуйидагича мақол ва фразеологик ибораларни учратиш мумкин:

- *Tous les chiens qui **aboient** ne mordent pas* — Ҳурган ит қонмас;
- *Les chiens **aboient**, la caravane passe* — Қарвон ўтар, ит ҳурар;
- **aboyer** *aux chausses de qn* — кимгадир тош отмоқ.
- **hurler** *avec les loups* — оқим бўйлаб ҳаракат қилмоқ (мослашмоқ);
- **hurler** *à gorge déployée* — овозининг борица бақирмоқ;
- **hurler** *à la mort* — қаттиқ ғазабланмоқ; ва ҳк.

Юқоридаги мисолларда кишиларнинг жисмоний хатти-ҳаракатини тасвирлаш орқали уларнинг руҳий ҳолатига ишора қилади, яъни, ушбу фразеологик бирликларда **aboyer** — ҳурмоқ (ит) ва **hurler** — уввилламоқ (бўри) феъллари фразеологик бирликларнинг марказий элементи сифатида хизмат қилади. Бу ерда паремиологик бирлик таркибида келган **aboyer** феъли ўзбек тилига талқин қилинганда ўз маъносида, яъни итнинг

хуриши маъносида қўлланилган, аммо унинг умумий фразеологик маъноси эса инсонларга нисбатан ишлатилиб, кўп дўқ-пўписа қилган одамдан кўркмасликка ишора қилинмоқда. Яъни, итнинг хуриш ҳаракатини ифодаловчи *aboyer* феъли орқали инсонлардаги қўполлик, бақироқлик, дарғазаблик каби салбий хусусиятлар акс этмоқда. Юқорида келтирилган кейинги мисоллардаги *hurler* — *увилламоқ* феъли иштирокидаги фразеологик бирликлар ўзбек тилига талқин қилинганда *aboyer* — *хурмоқ* феълидан фарқли ўлароқ, кўчма маъно касб этади. Яъни ушбу ономатопик феъл *мослашмоқ*, *бақирмоқ* ва *газабланмоқ* маъноларида қўлланилган.

Маълумки, *туйғу* атамаси инсонларга хос ҳар қандай ички кечинмалар асосида пайдо бўладиган кувонч, кўрқув, завқ каби руҳий жараёнларни ифодалайди. Одатда инсонлар доимо ана шундай турли хил ҳис-туйғуларга ҳамроҳ бўлиб яшайдилар. Бундай руҳий жараёнлар ифодаси ономатопик феъллар орқали фразеологик бирликлар мисолида ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, юқорида тилга олинган фразеологик бирликлар таркибидаги *aboyer*—*хурмоқ* феъли кўп ҳолларда инсонларга хос асабийлашган руҳий вазиятни ифодалашга хизмат қилади. Қолаверса, итнинг хуриш ҳаракати замирида ҳам асабийлашган ва дарғазаб ит тасвири акс этади. Қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик:

- *aboyer à la lune* — бекордан-бекорга жанжал кўтармоқ;
- *aboyer à faux* — сабабсиз газабланмоқ.

Ушбу мисолларнинг сўзма-сўз таржимаси ва ифодалаётган фразеологик маънолари ўртасида ҳам айрим ўхшаш асослар мавжуд, яъни *aboyer à la lune* — *ойга қараб хурмоқ* (бекордан-бекорга жанжал кўтармоқ) ҳамда *aboyer à faux* — *сабабсиз газабланмоқ* каби маънолари шулар жумласидандир.

Француз тилида инсон руҳиятига хос жараёнларни ифодалашда нафақат *aboyer* феъли балки, *hurler* феъли ҳам фразеологик бирликлар ясалишида муҳим манба саналади. Масалан:

- *hurler de terreur* — дахшатдан қичқирмоқ;
- *hurler des injures* — ошириб сўкмоқ;
- *hurler à gorge déployée* — овозининг борица бақирмоқ;
- *hurler à la mort* — қаттиқ газабланмоқ; ва ҳоказо.

Маълумки, француз тилидаги *hurler* феъли бўри ва шоқол каби ҳайвонларга хос *увилламоқ* маъносини англатади. Бироқ юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, у маълум бир фразеологик бирликлар таркибида келганда эса инсонларнинг асабий руҳий ҳолатини ифодалаш учун хизмат қилади. Айрим ҳолларда эса мазкур ономатопик феъл асабий руҳий ҳолатни эмас, балки итоаткорлик, бўйсинувчанлик, яқдиллик, хайрихоҳлик каби маъноларни ҳам ифодалаш мумкин. Масалан, *hurler avec les loups* — *оқим бўйлаб ҳаракат қилмоқ* (*мослашмоқ*).

Француз тилида ҳайвонларга хос *hurler* ономатопик феълидан ташқари, *gueuler* феъли ҳам мавжуд бўлиб, у сигир, хўкиз ва қўй сингари

хайвонларнинг маърашига нисбатан ишлатилади. Бирок, ушбу ономатопик феъл фразеологик бирликлар таркибида чўчкага нисбатан қўлланилганда ўта салбий рухий ҳолат акс этади. Яъни *gueuler comme un cochon* иборасида чўчканинг ёқимсиз хур-хур қилишини ифодалашга хизмат қилаётган *gueuler* феъли инсонларнинг асабийлашган рухий ҳолатини ифодаламоқда. Масалан, унинг сўзма-сўз таржимаси *чўчкадек хурилламоқ*, ўзбекча талқини эса *чўчкадек бақирмоқ* маъносини англатади. Куйидаги бадий асардан олинган мисолга ҳам эътибор қаратилса, унда *gueuler comme un cochon* ибораси кишининг ўта ёқимсиз тарзда бор кучи билан бақириши тасвирлангани кўзга ташланади: *Il gueule comme un cochon qu'on saigne. У қонталаш қилинаётган чўчкадек бақиряпти* (16, 614).

Нутқда француз тилидаги *gueuler comme un cochon qu'on saigne* фразеологизми ўрнига унинг синоними ҳисобланган *crier comme un veau qu'on égorge* (сўзма-сўз таржимаси: *Бўғизланаётган бўзоқдек бақирмоқ*.) иборасини ҳам қўллаш мумкин. Бирок шу ўринда инсон рухий ҳолатини акс эттирувчи бақириш ҳолати ҳам турли хил ўзига хос мақсадли вазиятлардан иборат эканлигини таъкидлаш лозим. Масалан, инсон куйидаги ҳолларда бақириш рухий ҳолатига тушиши мумкин:

- *газаб* (жаҳли чиққанда, норозилик кайфиятида);
- *қўрқинч* (бирор нарсадан қаттиқ қўрққанда);
- *азоб* (қаттиқ оғриққа чидай олмасдан азобланганда);
- *ҳаяжон* (бирор нарсадан кучли таъсирланиб, ҳаяжонланганда).

Бақириш ҳолатини ифодаловчи фразеологик бирликларни қўллаш жараёнида ҳам уларнинг юқоридаги каби маъно оттенкаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Французча *gueuler* феъли уй хайвонларидан ташқари, бошқа отлар билан ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, *gueuler au charron* — *ҳаққини талаб қилмоқ* (сўзма-сўз таржимаси: *аравасозга бақирмоқ*) ёки *gueuler des chansons* — *баралла қўшиқ куйламоқ*. Ушбу ономатопик феъл кучли оғриқдан бақириш ва норозилик кайфиятини намоён қилишдаги *газаб*ли тарзда бақириш каби ҳолатларни ифодалашда ҳам яқка ўзи қўлланилиш хусусиятига эга (15, 495).

Уй хайвонларининг маърашини ифодаловчи французча ономатопик *gueuler* феълидан ташқари *beugler* — *маърамоқ* феъли ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ эшакларга нисбатан қўлланилганда *ҳанграмоқ* маъносини ифодалайди. Масалан, *beugler comme un âne* иборасининг сўзма-сўз таржимаси: *эшакдек ҳанграмоқ* бўлиб, у фразеологик маънони ифодалаганда эса *бировга бақирмоқ*, *ўдағайламоқ*, *ўшқирмоқ*, *бировни жеркимоқ* маъносида талқин қилинади.

Француз тилида яна шундай ономатопик феъллар мавжудки, улар ҳам *газаб*ланган инсон кайфиятини тасвирлашда жуда қўл келади. Яъни булар буқанинг бўқиришини ифодаловчи *tugir* ва шер, йўлбарс каби йиртқич хайвонларнинг овозини ифодаловчи *rugir* феълларидир. Масалан, *tugir de fureur*, яъни сўзма-сўз таржимаси: *газабдан бўқирмоқ*; *rugir comme un lion* сўзма-сўз таржимаси: *шердек ўқирмоқ*; иборалари шулар жумласидандир. Инсонларга хос ўта дарғазаблик кайфияти ушбу

французча иккала иборанинг ҳам марказий маъно майдонини ташкил этади. Бироқ айрим ҳолларда ушбу феъллар нафақат ғазабдан бақириш, балки каттиқ оғриқдан бақириш ҳолларини ифодалашда ҳам фойдаланилади. Масалан, отнинг кишнашини ифодаловчи *hennir* феъли иштирокидаги *hennir de douleur* (сўзма-сўз таржимаси: *оғриқдан кишнаб юбормоқ*) ибораси кучли оғриқдан *dod-фарёд* солмоқ маъносида талқин қилинади. Шунингдек, француз фразеологиясида инсонларга хос кўп гапириш ҳолати ҳам юқоридаги фразеологик бирликлар сингари жуда образли тарзда намоён бўлади. Бунда кушларга хос *siffler* ва *jacasser* феълларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, *siffler comme un merle* - *олашақшақдек сайрамоқ* ва *jacasser comme une pie* — *тўхтовсиз гапирмоқ* маъносидаги фразеологик бирликлар орқали тинмасдан сайрайдиган кушлар, яъни олашақшақ ҳамда зағизғон кабиларнинг ёқимсиз товуши инобатга олинган ҳолда вайсақилик хусусияти акс этади.

Юқорида таҳлил қилинган ғазабни ифодаловчи фразеологик бирликлар ўз структур хусусиятларига кўра маълум бир ўхшашлик жиҳати билан бир-бирларига жуда яқинлиги кўзга ташланади. У ҳам бўлса уларнинг образли ўхшатиш ҳамда *comme* элементи орқали ҳосил бўлишидир. Бундай фразеологик бирликлар эса француз фразеологиясида жуда кўпчиликлари ташкил қилади. Масалан:

- *gueuler comme un cochon*;
- *meugler comme un boeuf*;
- *jacasser comme une pie*;
- *brailler comme un damné de lenfer*;
- *siffler comme un merle*;
- *rugir comme un lion*; ва бошқалар.

Маълумки, француз тилида *comme* элементи турли хил маъноларда келиши билан ажралиб туради. Жумладан, равиш, боғловчи, қиёсни ифодаловчи предлог кабилар шулар жумласидандир. Ономатопик феъллар иштирокидаги фразеологик бирликлар таркибида эса ушбу грамматик элемент фақат образли ўхшатиш асосидаги қиёсни ифодаловчи предлог сифатида қўлланилган ва унда *comme* элементи чап куршовида маълум бир ономатопик феъл, ўнг куршовида эса ҳайвон ёки куш номини ифодаловчи от билан бириккан ҳолда рухий ҳолат тасвирини акс эттирувчи фразеологик бирлик ҳосил қилган. Агар фразеологик бирлик таркибидаги ономатопик феъл ўзига тегишли ҳайвон номи билан бирга қўлланилса ундаги фразеологик маъно ҳам, бўёқдорлик ҳам янада кучаяди.

Француз тилида *comme* элементидан ташқари *de*, *à*, *avec* каби предлоглар ҳам бундай ФБлар ҳосил қилишда ўзига хос аҳамият касб этади, яъни улар *aboyer à la lune*; *aboyer à faux*; *hurler de terreur*; *hurler des injures*; *hurler avec les loups*; каби ибораларда ҳайвон товушларини ифодаловчи феълларнинг асосий бирикув воситаси сифатида хизмат қилади. Маълумки, замонавий француз фразеологияси бўйича тадқиқот олиб бораётган канадалик тилшунос А. Полгер

таъкидлаганидек, фразеологик бирликлар одатда тилнинг гапдаги баъзи лексик ва грамматик қондаларига бўйсинмайдиган бирлик саналади (17, 164). Бироқ ономотопик феъллар иштирокидаги фразеологик бирликларнинг аксариятида тил элементлари ўртасидаги бундай грамматик номутаносиблик кузатилмайди.

Ушбу ўринда шуни қайд этиш жоизки, образли ўхшатиш ва қиёслаш айнан инсонга хос хусусиятларни акс эттиришда жуда кенг қўлланилади. Тилда инсонни тасвирлашга асосланган бундай ўхшатишлар гуруҳи кўпчиликни ташкил этади. Яъни Ўзбек тили изоҳли луғатида кўрсатилганидек инсон ҳақидаги турғун ўхшатишларни ўзига хос бир қанча гуруҳлари мавжуддир (18, 320). Қуйида уларни ўзбекча ва французча мисоллар асосида шундай изоҳлаш мумкин:

Ўхшатиш-лар гуруҳи	Ўзбек тилида	Француз тилида
Тана аъзолари	<i>алифдек тик қомат, бургутникидек ўткир кўз</i>	<i>figure de papier mâché (қурқувдан оқарган юзлар)</i>
Ташқи кўриниш	<i>ойдай гўзал, девдек баҳайбат</i>	<i>laid comme un pou (битдек хунук), être sale comme un cochon (чўчкадек ифлос бўлмоқ)</i>
исмоний хусусият	<i>гулдай нафис, айиқдай паҳлавон</i>	<i>être fort comme un boeuf (буқадек кучли бўлмоқ)</i>
Овоз	<i>бўридай увилламоқ, қўнғироқдай жарангдор</i>	<i>rugir comme un lion (шердек ўқирмоқ), souffler comme un beuf (ҳўкиздедек бўқирмоқ)</i>
Нутқ	<i>беданадай сайрамоқ, итдай қопмоқ</i>	<i>bavarder comme une pie (олашақшақдек сайрамоқ), être muet comme une carpe (балиқдек гўнг бўлмоқ)</i>
Характер	<i>ипакдай мулойим, итдай садоқатли, молдай бефаҳм, тулкидай айёр</i>	<i>être venimeux comme un serpent (илондек заҳарханда бўлмоқ), être doux comme un agneau (бузоқдек мулойим бўлмоқ)</i>
Ҳолат	<i>хайкалдай қотмоқ, докадай қалтирамоқ</i>	<i>se sentir comme un poisson dans l'eau (ўзини сувдаги балиқдек ҳис қилмоқ), être rouge comme une écrevisse (қисқичбақадек қизариб кетмоқ)</i>
Ҳаракат	<i>эчкидай сакрамоқ, тошбақадай судралмоқ</i>	<i>marcher comme un escargot (жуда секин юрмоқ)</i>

Бу ўринда тилшунос Н. Маҳмудов таъкидлаганидек, шахс ҳолатини образли тарзда ифодаловчи юқоридаги ўхшатишларда ўхшатиш эталони муҳим аҳамият касб этади ва у ҳар қандай тил соҳибларининг лисоний хотирасида барқарор бирлик сифатида сақланиб қолади (18, 10–11). Юқоридаги каби фразеологик бирликлар сўзлашув нутқида ҳам, бадиий нутқида ҳам бирдек қўлланилиб, инсонларнинг турли хил кайфиятини, ички кечинмаларини, руҳий изтиробларини акс эттириш орқали китобхонда турли хил ҳис-туйғуларни ҳосил қилади. Ушбу фразеологик бирликлар семантик-стилистик восита сифатида бадиий асарларнинг кенг стилистик имкониятини намоён этувчи бирлик вазифасини бажаради.

Маълум бир семантик гуруҳга кирувчи фразеологик бирликларнинг ҳам умумий семантик хусусиятлари уларни бошқа гуруҳлардан фарқлаш учун асос бўла олади. Масалан, ушбу ҳолатни юқорида келтирилган салбий ҳис-туйғуни ифодаловчи фразеологик бирликлар гуруҳида ҳам кўриш мумкин. Бундай вазиятда салбийлик хусусияти ижобийлик хусусиятига қийсаланадиган маълум бир лексик-семантик гуруҳни ажратувчи семантик белгига айланади (2, 150).

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тилдаги руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликларни ҳам 3 та катта гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

- ижобий руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликлар;
- салбий руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликлар;
- нейтрал руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликлар.

Француз тилида ҳайвон ва қушларнинг овозини ифодаловчи феъллар асосида ясалган фразеологик бирликларни бу жиҳатдан ўрганганимизда уларнинг кўпчилиги салбий руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликлар эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки фразеологик бирликлар таркибидаги *aboyer, hurler gueuler, rugir, mugir, hennir* каби ономатопик феъллар ифодалаётган маънолар кўлами ҳам инсон ички кечинмаларидан бири ҳисобланган *gazaб* руҳий тасвири доирасида намоён бўлади.

Француз фразеологиясидаги ижобий ва нейтрал руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликлар борасида маълум бир ҳулосага келиш эса тилда ўзига хос изланишни тақозо этади. Бинобарин, ономатопик феъллар иштирокидаги фразеологик бирликларнинг барчаси ҳам салбий руҳий ҳолат тасвирини ифодалавермайди. Балки, аксинча, инсонларга хос ижобий руҳий кайфиятни ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, қушларнинг сайрашини ифодаловчи *siffler* — *чуғурламоқ* ономатопик феъли ёки *chanter* — *қуйламоқ* феъллари сайроқи қушлар ҳисоблангани *un pin son* ёки *une fauvette* каби қуш номлари билан бирга қийёсий шаклларда ишлатилганда *қўп гапирмоқ, бидирламоқ* каби маънолардан ташқари, *хурсандчилик* тасвирини ҳам ифодалаши мумкин, яъни, *siffler comme un pinson* — *хурсанд ҳолатда гапирмоқ*; ва *chanter comme une fauvette* — *ёқимли овозда қуйламоқ*; каби фразеологик бирликлар шулар жумласидандир. Бироқ, *siffler* — *чуғурламоқ* ономатопик феъли юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсонга хос салбий

рухий ҳолатни ҳам ифодалашда қўлланилади. Бу ҳолат эса *siffler* феълининг қандай куш тури билан бирга қўлланилишига боғлиқдир, яъни бу феъл *un merle* — *olashaqshaq* (ёки *қораялоқ* деб ҳам таржима қилинади) куш номи билан биргаликда *comme* қиёслаш воситаси орқали фразеологик бирлик ҳосил қилганда салбий рухий ҳолатни акс эттиради.

Хусусан, ушбу фразеологик бирликда ғазабдан ўзини тўхтата олмасдан асабий ҳолатда вайсаш жараёни акс этади. Бинобарин, қадимдан олашақшақ, қораялоқ ва қарға каби кушлар аксарият ҳолларда эртак, афсона, матал ва мақолларда ҳам ёмонлик тимсоли ёки шум хабар жарчиси сифатида тасвирланган. Булбул, чуғурчук каби сайроқи кушлар эса боғи-бўстон, чаман гулзорлар соҳиби тимсолида талқин қилинган. Демак, французча фразеологик бирликлар таркибидаги кушларнинг сайрашини ифодаловчи *siffler*, *jacasser* каби ономатопик феъллари ҳам ўзларининг қиёслаш объектига қараб салбий ва ижобий рухий ҳолат тасвирини акс эттириши мумкин. Зеро тилшунос Н. Маҳмудов таъкидлаганидек, халқнинг миллий образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатидаги бундай турғунлашган ва эталонлашган образлар миллий идрок ҳиссини акс эттиради (18, 10).

Умуман олганда, рухий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликларни таҳлил қилишда О. С. Ахманова тажрибасига асосланган ҳолда уларни пайдо бўлиш характериға, ҳис-туйғунинг кечиш ҳолатига ҳамда даврийлигига кўра тадқиқ этиш мумкин (19, 65–77). Хусусан, айрим манбаларда рухий ҳолатнинг пайдо бўлиш характериға кўра уларни бирламчи, иккиламчи ва яширин каби турларға, ҳис-туйғунинг кечиш ҳолатига кўра фаол, суёт, назорат қилиш имконияти мавжуд ва мавжуд бўлмаган турларға, ҳамда даврийлигига кўра давом этувчи ва бир лаҳзалик каби турларға бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган (1, 152). Ушбу таснифнинг умумий тасвирини қуйидагича жадвалда аниқроқ тарзда акс эттириш мумкин:

Рухий ҳолат-нинг пайдо бўлиш характериға кўра турлари	Бирламчи ҳис-туйғулар: ташқи таъсир оқибатида бевосита пайдо бўладиган ҳис-туйғу жавоби — <i>алам, ўкинч, қаҳр-ғазаб, жаҳл, зарда</i>
	Иккиламчи ҳис-туйғулар: олдинги эмоционал ҳолат таъсирида пайдо бўладиган ҳис-туйғу — <i>нафратланиш, ғазабланиш, аччиқланиш, зарда</i>
	Яширин эмоция: <i>ғазаб, аччиқ, қоникмаслик, норозилик</i>
Ҳис-туйғунинг кечиш ҳолатига кўра турлари	Фаол кечадиган ҳис-туйғулар: <i>нафратланиш, ғазабланиш, жаҳл қилиш</i>
	Суёт кечадиган ҳис-туйғулар: <i>алам, ўкинч, қаҳр, зарда</i>
	Назорат қилиш имконияти мавжуд бўлган ҳис-туйғулар: <i>аччиқ қилиш, қоникмаслик, алам қилиш</i>
	Назорат қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳис-туйғулар: <i>қутуриш, зарда қилиш, қаҳр қилиш</i>
Ҳис-туйғунинг	Давом этувчи ҳиссиёт: <i>қаноатланмаслик, алам,</i>

даврийлигига кўра турлари	<i>ғазаб</i>
	Тугалланадиган ҳиссиёт: қутуриш, зарда қилиш, қаҳр қилиш

Ҳозирги замон тилшунослигида инсон руҳиятини ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ўзига хос семантикасини, уларнинг нутқда қўлланиши ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг пайдо бўлиш характери, давомийлик даражаси ҳамда нутқда қўлланиш даражаси ва маъно оттенкаларини таҳлил қилиш тилимизнинг ифода имкониятлари ва унинг бойлигини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради. Зеро бадиий матнларда инсон руҳий тасвирини аниқ ва тушунарли тарзда ифодаловчи фразеологик бирликларнинг қўлланиши инсонни ҳам руҳан турли хил кайфиятларга солиши, яъни қулдириши, йиғлатиши ва ажаблантириши мумкин. Демак, руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликларни нутқда қўллаш орқали услубий таъсирчанликнинг ортиши ҳамда бадиий тасвирда ифодавийликнинг тўла таъминланиш имконияти пайдо бўлади. Бунинг замирида эса, тилимизнинг нақадар бой имкониятларини намоён этувчи луғатларнинг бир тури, яъни турли мавзули фразеологик луғатлар яратилиши мумкин. Жумладан, инсон руҳияти тасвирини акс эттирувчи фразеологик луғатлар шулар жумласидандир. Шундай экан, айнан ономотопик феъллар иштирокидаги фразеологик бирликлар бу каби луғатларнинг энг асосий ва сермахсул манбаларидан бири сифатида хизмат қила олади.

Хулоса. Ушбу мақолага хулоса тариқасида шуни айтиш лозимки, француз фразеологиясида руҳий ҳолатни ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ясалишида ономотопик феъллар ҳам ўзига хос эталон, яъни етакчи феъл вазифасида хизмат қилиши мумкин. Бундай фразеологик бирликлар инсон руҳий ҳолатининг ғазабланиш, жаҳлланиш, бақириниш, вайсаш, завқланиш каби шакллари ифодалашда кенг фойдаланилади. Хусусан, инсонларнинг қаттиқ ғазабланиш руҳий ҳолатини тасвирлашда арслон, ҳўкиз каби ҳайвонларнинг ўқириш ҳолатига қиёсланса, жаҳл қилиш руҳий ҳолати эса, бўри, эшак, ит сингари ҳайвонларнинг ўзига хос бақириниш тарзидаги товуш чиқариш жараёнига қиёсланади. Шу тариқа инсонларга хос руҳий олам тасвирининг салбий жиҳатларини фразеологияда ономотопик феъллар орқали ифодалаш имконияти кенгайиб боради. Ушбу мақолада келтирилган барча мисоллар махсус французча фразеологик луғатдан олинган бўлиб, улар француз миллий кадриятлари ва урф-одатларига асосланган ва улардаги руҳий ҳолат тасвири ҳам аксарият ҳолларда миллийлик тамойилларига таянган (20, 14). Улар хусусидаги қисқача умумий тавсифни мисоллар асосида қуйидагича акс эттириш мумкин:

Ғазаб қилиш	rugir — ўқирмоқ (йўлбарс, арслон) — rugir comme un lion
	meugler — маърамоқ (сигир, ҳўкиз, бўзоқ, қўй) — meugler comme un boeuf
	hurler — увилламоқ (бўри) — hurler à gorge déployée; hurler à la mort; hurler de terreur; hurler des injures

Жаҳл қилиш	beugler — маърамоқ (сигир, ҳўкиз, қўй, эшак) — beugler comme un âne
	aboyer — хурмоқ (ит) — aboyer aux chausses de qn; Tous les chiens qui aboient ne mordent pas. Les chiens aboient , la caravane passe.
Дахшат -ли қичқириш	brailler — қичқирмоқ (товус) — brailler comme un damné de lenfer
	crier — бақирмоқ — crier comme un veau
	gueuler — бақирмоқ — gueuler comme un cochon
Вайсаш	jacasser — сайрамоқ (зағизғон, олашақшақ, қарға) — jacasser comme une pie
	siffler — хуштақ чалмоқ — siffler comme un merle, siffler comme un pinson
	chanter — куйламоқ (булбул ва бошқа сайроқи кушлар) — chanter comme une fauvette
Завқланиш	gueuler — бақирмоқ — gueuler des chansons
Азобланиш	hennir — кишнамоқ (от) — hennir de douleur

Ҳар бир мавзули қатор ушбу гуруҳга кирувчи фразеологик бирликлар ўртасида тақсимланадиган умумий маъно доирасини қамраб олади. Бу қатор доирасидаги ҳар бир сўз маъноси бошқасиникига мослашади. Улар семантик умумийликка эга ва айти пайтда бир-биридан фарқ қилади (2, 149). Ушбу таснифдан келиб чиққан ҳолда француз фразеологиясида инсон руҳий тасвири ономотопик феъллар ва уларга нисбатан қисман ёки тўлиқ мос келадиган ҳайвон номлари фаоллашуви билан боғлиқ, дейиш мумкин. Бу каби хусусиятлар тилнинг ички тузилишида намоён бўлади ва шунинг учун ҳам уларга хос айрим лисоний таснифлар баъзи қийинчиликларни туғдиради. Бироқ бундай фразеологик бирликларни бир-биридан фарқловчи лисоний белгиларни қидириш ва уларни тизимлаштириш француз фразеологиясида ўзига хос аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Белянин В. П. Основы психолингвистической диагностики (модели лира в литературе). — М.: Тривола, 2000. — 244 с.
2. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. — Тошкент: Фан, 2007. — 272 б.
3. Ferdinand de Saussure. Cours de linguistique générale. — Paris: Grande bibliothèque Payot, 1995. — 256 p.
4. Bally Ch. Traité de stylistique française. Vol. I. — Paris: Librairie Klincksieck, 1951. — 267 p.
5. Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. Т.1, 2. — М.: Учпедгиз, 1956-1957.
6. Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. — Л.: 1941. — 142 с.
7. Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. Избранные труды. Лексикология и

лексикография. — М., 1977. — 312 с.

8. Ларин Б.А. Очерки по фразеологии (о систематизации и методах исследования фразеологических материалов) / История русского языка и общее языкознание. — М., 1977. — С. 125–149.

9. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. — М., 1987. — 237 с.

10. Гак В.Г. Новый большой французско-русский фразеологический словарь. — М., 2005. — 1625 с.

11. Ходос Б.С. Синонимия фразеологизмов в современном французском языке: автореф. дис. канд. филол. наук. — Л., 1981. — 24 с.

12. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологияси шаккланиши масалалари. 10.02.02. Миллий тиллар (ўзбек тили). Фил. фан. док. автореферати. — Т., 1999. — 56 б.

13. Якубов И. Ж. О семантических соответствиях существительных *pluralia tantum* и фразеологических единиц в современных восточнославянских языках// Вопросы семантики фразеологических единиц славянских, германских и романских языков: тезисы докладов на научно-теоретической конференции в г. Новгороде 6 июня 1972 г. Ч. II / отв. ред. В. П. Жуков. — Л.: Ленинградский гос. педагогический институт им. А. И. Герцена, 1972. — С. 169.

14. Hugo V. Préface de Cromwelle. — Paris: Petits Classiques. Larousse, 2001. — 245 p.

15. Dictionnaire de français Larousse. — Paris: Petits Classiques. Larousse, 2010. — 1790 p.

16. Frison G. Les Aventures du colonel Ronchonot. — Paris: Hachette, 1885. — URL: <http://www.philology.ru/linguistics2/>

17. Polguère A. Lexicologie et sémantique lexicale. — Montréal: Les Presses de l'Université de Montréal, 2008. — 272 p.

18. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изохли луғати. — Тошкент: Маънавият, 2013. — 320 б.

19. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М.: СЭ, 1969. — 608 с.

20. Rey A., Chantreau S. Dictionnaire des expressions et locutions. — Paris: Les usuels de Robert, 1997. — 1084 p.

References

1. Belyanin V. P. *Osnovy psikholingvisticheskoi diagnostiki* (Foundations of Psycholinguistic Diagnostics (Models of the Lira in the Literature), Moscow: Trivola, 2000, 244 p.

2. Bushui T., Safarov Sh. *Til qurilishi: tahlil metodlari va metodologiyasi* (Language construction: analysis techniques and methodology), Tashkent: Science Publishing House, 2007, 272 p.

3. Ferdinand de Saussure, *Cours de linguistique générale* (General Linguistics Course), Paris: Grande bibliothèque Payot, 1995, 256 p.

4. Bally Ch., *Traité de stylistique française* (Treatise on French Stylistics), Vol. I, Paris: Librairie Klincksieck, 1951, 267 p.

5. Fortunatov F.F. *Izbrannii trudi*. (Selected works), Vol. 1-2, Moscow: Utchpedgiz, 1956–1957.
6. Schakhmatov A.A. *Sintaksis russkogo yaziika* (Russian Language Syntax), Leningrad: 1941, 142 p.
7. Vinogradov V.V. *Osnovnii ponyatiya russkoy frazeologii kak lingvistictheskoi dissiplinii. Izbrannii trudi. Leksikologiya i leksikografiya*. (Fundamental notion of Russian phraseology as a linguistic discipline. Selected works. Lexicology and lexicography), Moscow, 1977, 312 p.
8. Larin B.A. *Ocherki po frazeologii (o sistematizatsii i metodakh issledovaniya frazeologicheskikh materialov) / Istoriya russkogo yazika i obschee yazikoznanii*. (Essays on Phraseology (About Systematization and Research Methods of Phraseological Materials)) Moscow, 1977, pp. 125-149.
9. Nazaryan A.G. *Frazeologiya sovremennogo fransuzskogo yazika* (Modern Phraseology of French Language)? Moscow, 1987, 237 p.
10. Gak. V.G. *Novii bolschoy fransuzsko-russkiy frazeologicheskii slovar*. (New French-Russian phraseological dictionary), Moscow: 2005, 1625 p.
11. Hodos B.S. *Sinonimiya frazeologizmov v sovremennom fransuzskom yaziike* (Phraseological Synonymy in Modern French Language), extended abstract of candidate's thesis, Leningrad, 1981, 24 p.
12. Mamatov A.E. *Uzbek tili frazeologiyasi shakllanishi masalalari* (The Problem of Formation Uzbek Language Phraseology), extended abstract of Doctor's thesis, Tashkent, 1999, 56 p.
13. Yakubov I.J. *Voprosy semantiki frazeologicheskikh yedinits slavyanskikh, germanskikh i romanskikh yazykov: tezisy dokladov na nauchno-teoreticheskoy konferentsii v g. Novgorode 6 iyunya 1972 g. CH. II* (Questions of semantics of phraseological units of Slavic, Germanic and romance languages: theses of reports at the scientific and theoretical conference in Novgorod on June 6, 1972, Part II), Leningrad: Leningrad State Pedagogical Institute named after A. I. Herzen, 1972, pp. 169.
14. Hugo V., *Préface de Cromwelle* (Preface by Cromwelle), Paris: Small Classics, Larousse, 2001, 245 p.
15. *Dictionnaire de français Larousse* (Dictionary of French Larousse), Paris: Small Classics. Larousse, 2010, 1790 p.
16. Frison G. *Les Aventures du colonel Ronchonot*, Paris: Hachette, 1885, available at: <http://www.philology.ru/linguistics2/>
17. Polguère A., *Lexicologie et sémantique lexicale*, Montréal: Les Presses de l'Université de Montréal, 2008, 272 p.
18. Mahmudov N., Khudoiberganova D. *Uzbek tili ukhshatishlarining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek Language Similarities), Tashkent, 2013, 320 p.
19. Akhmanova O.S., *Slovar' lingvisticheskikh terminov* (Dictionary of Linguistic Terms), Moscow: SE, 1969, 608 p.
20. Rey A., Chantreau S., *Dictionnaire des expressions et locutions*, Paris: Les usuels de Robert, 1997. 1084 p.